



БАНКЛАРНИНГ

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИДАГИ ИШТИРОКИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 май куни хорижий инвестицияларни жалб қилишда банкларнинг иштирокига оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимиздаги қўлай инвестиция муҳити натижа-
сида банкларнинг молиявий барқарорлиги ва фаоллиги
ортиб бормоқда. Хусусан, соҳадаги ислохотлар туфайли
сўнгги 5 йилда банкларнинг капитали 2 баробарга, кредит
портфели 2,3 баробарга ҳамда йиллик кредит ажратиш
ҳажми 1,8 баробарга кўпайди.

Тўртта банк илк бор евробонд чиқариб, четдан 1 мил-
лиард 300 миллион доллар ресурс жалб этди. Утган йили
банклар 3,8 миллиард долларлик, шунингдек, уларнинг
мижозлари ҳукумат кафолатисиз 6 миллиард долларлик
хорижий кредитларни тўғридан-тўғри олиб келган.

Замон талабидан келиб чиқиб, бу ишларни янада
кенгайтириш ва лойиҳаларни сифатли амалга ошириш
зарур.

Тақдимотда Миллий банк ҳамда “Ўзсаноатқури-
лишбанк”нинг шу борадаги фаолияти ҳақида ахборот
берилди.

Жорий йилда Миллий банк томонидан 6 миллиард
долларлик лойиҳалар амалга оширилиши режалашти-
рилган. Шунингдек, заргарлик тармоғида 2,1 триллион
сўмлик 526 та, хизматлар соҳасида 41,8 триллион сўм-
лик кредитлар ҳисобидан 40 мингдан ортқ лойиҳалар-
ни амалга ошириш ва 2,5 миллион нафар аҳоли бандли-
гини таъминлаш кўзда тутилган.

“Ўзсаноатқурилишбанк” бу йил халқаро молия бо-
зорларидан 3 миллиард 100 миллион долларлик маблағ
жалб этишни мақсад қилган. Банк мижозлари билан
умумий қиймати 4 миллиард 800 миллион долларлик
инвестиция лойиҳаларига киришилган.

Мазкур банк томонидан қурилиш материаллари со-
ҳасида 2024-2025 йилларда 529 та лойиҳа доирасида 2
миллиард 800 миллион долларлик хорижий инвести-
циялар жалб қилиниб, бу орқали 25 мингдан зиёд иш
ўрни яратилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, Миллий банк 967 та, “Ўзсаноатқу-
рилишбанк” 727 та маҳаллада ишсиз аҳоли бандлигини
таъминлашга кўмаклашмоқда. Яна бир муҳим жиҳати,
банклар қўйи бўғинга тушиб ишлаётгани учун кўплаб
бизнес тузилмалар “соя”дан чиқмоқда.

Тақдимотда мижозларнинг инвестиция лойиҳалари-
ни тизимли мониторинг қилиб, муаммоларни тезкорлик
билан ҳал этиб бориш зарурлиги қайд этилди.

Тадбиркорларга туман даражасидан республика
миқёсига ҳар томонлама ёрдам бериш, уларнинг мо-
лиявий билимларини ошириш ва инновациялар билан
таништириш муҳимлиги таъкидланди.

ЎЗА

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

УЙҒОНИШ ҚЎНҒИРОҒИ

САЙХУНОБОД ТАЖРИБАСИ ЎЗИГА ТЎҒ ҚАТЛАМ САФИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН

Инсон бахтли бўлиши учун ишонч
ва имконият берилиши етарли.
Қолганини ўзи эплайди. Катта
марраларни забт этишига ишонса,
одамнинг иродасини синдириб
бўлмайди. Бу ишончни эса
аксарият ҳолларда ўзига берилган
имкониятдан топади.



Бугун олдимизда турган ижти-
моий-иқтисодий масалалар ҳам
айнан шу имконият ва ишонч бери-
лиши туфайли ҳал этилмоқда. Ма-
салан, Сайхунобод тажрибаси айни
пайтда кўплаб ҳаётий муаммоларга
ечим бўлаётгани бор гап. Шунинг

учун мазкур тажрибани оммалаш-
тириш орқали ижтимоий масалалар
ҳал этилмоқда.

Шу ҳақда ўйлаганда ушбу таж-
рибанинг ҳаётий тимсоли бўлган
сайхунободлик Рисолат Ғуло-
мова эсимга тушади. Тумanning

Иттифоқ маҳалласида яшайдиган
онахоннинг хонадониде бўлиб,
томорқачилиги билан танишган,
дилдан суҳбатлашган эдим. Рисо-
лат онанинг ёши етмишга етган.
Фарзандларини аллақачон уйли-
жойли қилган. Ўғиллари ҳам, ке-

линлари ҳам олий маълумотли,
бир касбнинг этагини тутган. Энди
онахон набралар тарбияси билан
шуғулланиб, бемалол дам олса бў-
лаверарди.

Давоми 3-бетда

Халқаро алоқалар

АЗАЛИЙ РИШТАЛАРДАН ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК САРИ

Глобаллашув шароитида
халқаро муносабатлар,
давлатлараро алоқаларда
янги тартиб — кўп
векторли сиёсий ёндашувлар
асосидаги мувозанатли
ташқи сиёсат концепцияси
юзга келди. Жаҳон
ҳамжамияти ҳукмрон сиёсий
кучларнинг гегемон сиёсати
ўрнига ҳар томонлама
манфаатли ҳамкорликка
асосланган, давлатнинг
барқарорлиги ва тараққиёт
мақсадларига хизмат
қиладиган муносабатларни
маъқул кўрмоқда.



Ўзаро ҳурмат ва манфаатли ҳамкорлик-
ка қурилган муносабатлар узоқ муддатли
ва мустақам алоқани таъминлайди. Шу
жиҳатлар Ўзбекистон — Малайзия ўрта-
сидаги кўп қиррали алоқаларнинг барқа-
рор ривожланишига замин яратди. Малай-
зия мамлакатимизнинг Жануби-Шарқий

Осиёдаги муҳим ҳамкори. У минтақа
давлатлари билан ўзаро манфаатли ало-
қа ўрнатишда Ўзбекистон учун ўзига хос
кўприк вазифасини ўтайди.

Малайзия мафтункор табиат, экзотик
ўрмонлар, ўзига хос қадрият ва анъа-
наларга эга ажойиб мамлакат. У минта-

қадаги йирик саноатлашган давлат, тез
ривожланаётган иқтисодиётлардан бири
сифатида эътироф этилади. Туризм, замо-
навий ахборот технологиялари, банк-мо-
лия, қишлоқ хўжалиги, таълим соҳалари-
да жаҳон стандартлари даражасига чиқиб
улгурган. Нефть маҳсулотларини қазиб
олиш ва экспорт қилишда ҳам минтақада
етақчи ўринларда.

Туризм ривож буйича минтақада
бешинчи, дунёда тўққизинчи ўринда ту-
ради. Сайёҳликдан келадиган даромади
йилга 95 миллиард доллардан ортиқ.
Бу мамлакат бюджетининг тақрибан 10
фоизи демакдир. Йилга миллионлаб
сайёҳларни ўзига тортаётган бу ўлка
гўзал табиати, ўрмонлари, экзотик боғ-
лари, қадимий архитектура ва бетак-
рор маданияти билан алоҳида ажралиб
туради. Ҳар йили Малайзияга тури
мамлакатлардан 20 миллиондан ортқ
сайёҳ боради. Барқарорлик ва хавфсиз-
лик мамлакатда туризмнинг бир маро-
мда ривожланиб боришини таъминлайди.
Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ора-
сидаги минтақавий ҳамкорлик ва барқа-
рорлик туризм ривож, саноат тараққиё-
ти ҳамда иқтисодиётнинг ўсишига қўлай
замин яратган.

Давоми 2-бетда

Дил изҳори

Давлатимиз раҳбари куни кеча Киночилар саройига ташрифи
доирасида режиссёр ва актёрлар, киношунослар, соҳа мутасаддилари
билан суҳбатлашди. Ушбу самимий учрашув фахр билан узоқ йиллар
эслаб юриладиган, келажакка куч-қувват берадиган воқеа бўлди.
Мулоқотда ёш ижодкор сифатида самимий муносабатдан, ишонч
туйғусидан фахрланиб ўтирдим. Зеро, бизнинг айни кучга тўлган,
ишлайдиган пайтимиз. Айниқса, “Тирик тарих” туркумидаги
фильмларда мен орзу қилган роллар ҳам борлигидан жуда хурсанд
бўлдим. Бундай фильмлар маҳоратимизни оширибгина қолмай,
халқимиз учун ноёб хазина ҳам бўлади.

ВАТАНПАРВАР БЎЛМАГАН ИНСОН ишқоқ қилолмайди

Президентимиз “Қани ёшлардан ҳам
эшитайлик, Айсанем!” деганида аввалига
роса ҳаяжон босди. Ёш бўлатуриб, гапи-
ришим ноқулайдек туюлаверди. Кейин
ўз-ўзидан “Ўзбек қизи” фильми ҳақида айт-
тилган кўплаб ижобий фикрларни эсладим.
Тинч замонда яшаётганим, мана шундай
файзли даврда ўтирганимнинг ўзи энг
олий бахтлигини ҳис қилдим. Киноасардан
ҳам шуларни англаб етганимни айтдим.

Чиндан ҳам “Ўзбек қизи”ни суратга
олиш жараёнида юзлаб ижодкорлар ора-
сидан четга ўтиб, йиғлаб олган пайтларим
бўлди. У ердаги муҳитни сўз билан тушу-
нтириб беролмаслигим ҳам ҳақиқат. Биз-ку
уруш манзараларини тасвирга олиш жара-
ёнида ҳис қилишимиз, чинакам қаҳрамон-
лар бу даҳшатларга қандай бардош берган
экан? Хуллас, шу каби мушоҳадалар, уйлар
катта даврда атрофида муносабат билди-
ришимга асос бўлди.

Яқинда шифокор қизлар ҳаёти ва фао-
лиятига бағишланган фильми суратга олиш
жараёнини тамомладик. Шунингдек, миллий
сериалларга ҳам жуда кўп тақдир бўлиб тури-
рди. Ҳаммасига улгуриш қийин, албатта.
Ёшлар, тендошларим билан кўп мулоқотда
бўлганим учун улардан куч-ғайрат олам.

Сўзларимни диққат билан тинглаган
давлатимиз раҳбари “Фидойи, ватанпарвар,
садоқатли қизни тарбия қилгани учун ота-
онангизга раҳматимни етказиб қўйинг”, де-
ганида ўзимни дунёдаги энг бахтли инсон
деб ҳис қилдим. Фарзанд учун ота-онангига
раҳмат келтиришдан ҳам олий бахт бўл-
маслигини яна бир бор тушуниб етдим.
Ватанпарвар этиб тарбияланганлари учун
улардан бир умр миннатдорман. Зеро, қал-



бида ватанпарварлик ҳисси бўлмаган инсон
ижод қилиши қийин.

Чет элик кино мухлислари қалбини мил-
лий фильмларимиз билан забт этишни оруз
қиламан. Тарихийми, замонавийми, қандай
фильм бўлишидан қатъи назар, ўз ролимни
меҳр билан ижро этишга ҳаракат қиламан.
Бусиз ижод ҳам бўлмайди. Насиб қилса, ўз-
бек киноси олтин фондига муносиб филь-
мларда салмоқли образлар яратаман. Бунинг
учун юртимизда барча имконият яратилган,
мақсадим йўлида бор кучимни сарфлашга
тайёрман.

Айсанем ЮСУПОВА,
актриса

Ғалаба одиллари



Темур КАПАДЗЕ:

“ПАРИЖ-2024” БУ — БОШЛАНИШИ

Мақсадимиз — Олимпиада ва
жаҳон чемпионатларида доимий иштирок этиш



ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг 17-19 май кунлари Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги икки томонлама музокаралар хорижий ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари томонидан юқори баҳоланаётир.

Нур Жазлан МУҲАММАД,

Малайзия Парламенти Сенати раиси ўринбосари:

— Ушбу тарихий ташриф натижаларини юқори баҳолайман. Менимча, бу глобал сиёсатда, айниқса, ислом дунёсида тобора фаол роль ўйнаётган ҳамкор давлатлар ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни янада мустаҳкамлайди.

Шуни таъкидлашни истардимки, Малайзия ҳукумати раҳбарининг сўнгги ташрифи 16 йил олдин амалга ошганини инобатга олсак, бундай мулоқот эҳтиёж узоқ вақтдан буён мавжуд эди.

Олий даражадаги музокараларнинг дўстона муҳити Ўзбекистон Президенти ва Малайзия Бош вазирининг ҳамкорликини яқинлаштиришга асос қилиб ҳақиқатдан янги босқичга олиб чиқиш истагини намойиш этади.

Икки томонлама муносабатлар тарихида кўз ўнгимизда янги саҳифа ёзилмоқда. Икки мамлакат етакчилари “ҳалол” стандартлари бўйича ҳамкорлик, банк-молия ва озиқ-овқат саноати билан бирга шерикликнинг бир қатор янги истиқболли йўналишларини, хусусан, рақамлаштириш, “яшил” энергия, сунъий интеллект ва бошқа йўналишларда алоқаларни мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида кўриб чиқилгани қувонарли, албатта.

Ишончим комилки, Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Малайзия бизнес-форуми якунлари иқтисодий ёта алоҳида эътибор қаратган ҳолда муносабатлар динамикасига кучли туртки беради.

Мамлакатларимиз ўртасидаги аънанавий фаол парламент дипломатияси таж-



рибасига таяниб айтишим мумкинки, Малайзия Парламенти Сенати икки давлат муносабатларини янада чуқурлаштиришга ҳисса қўшишга тайёр. Жорий йил июнь ойида парламентнинг ҳар икки палатаси раҳбарияти билан музокаралар ўтказиш учун Ўзбекистонга шахсан ташриф буюришни режалаштиришган.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон — Малайзия” парламентлараро дўстлик гуруҳининг навбатдаги учрашуви, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг Куала-Лумпурга ташрифи кун тартибимиздан ўрин олган.

Икки мамлакат ҳукуматлари ташриф якунлари бўйича эришилган келишувларни амалга оширишга ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги уфқларини излашга алоҳида эътибор қаратишга ишончим комил.

Рой Энтони РОЖЕРС,

Малая университети қошидаги Осие ва Европа институти директори ўринбосари:

— Малайзия Бош вазирининг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасида дўстлик ва кўп қиррали шериклик муносабатларини янада кенгайтиришга хизмат қилаётган тарихий воқеадир.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон раҳбарининг сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш, гуманитар ва таълим дастурларини амалга ошириш, туризм ва маданий алмашинуви фаоллаштириш муҳимлиги ҳақидаги фикрини қўллаб-қувватлайман.

Шу билан бирга, икки давлат салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш учун савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда амалий ҳамкорликни кучайтириш зарур деб ҳисоблайман.

Хусусан, 2023 йил якунларига кўра, Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баравардан зиёдга ошди, қўшма корхоналар сони кўпайди. Шунингдек, Тошкент ва Куала-Лумпур ўртасида авиақатновлар ортмоқда.


Ташриф доирасида ўтказилган Ўзбекистон — Малайзия бизнес-форуми якунлари инвестициявий шерикликни кенгайтириш, инновация, саноат, “яшил” энергетика, нефть-кимё, электротехника ва электроника, фармацевтика ва бошқа соҳаларда етакчи компаниялар кооперациясига хизмат қилади.



Ўзбекистон Президентининг музокаралар чоғида илгари сурган ташаббуслари долзарблигини алоҳида таъкидламоқчиман. Жумладан, Ўзбекистон — Малайзия саноат зонасини ташкил этиш, қўшма савдо бўйича қўшма кўмитани Ҳукуматлараро комиссияга айлантириш, “Марказий Осие + АСЕАН” форматада ташкил этиш, қўшма савдо бўйича туризм стандартларини жорий этиш бўйича илгор тажриба алмашиш ўрин олган.

“Uzbekistan Airways” АЖ ва “Batik Air Malaysia” авиакомпанияси томонидан ташриф чоғида имзоланган кўп қиррали ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма баёнот Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишонаман.

Самарқандда Ўзбекистон — Малайзия бизнес-форумининг ўтказилиши, бир томондан, давлат раҳбарларининг икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни яхшилашга қаратилган жиддий ниятлари кўрсаткичи бўлса, иккинчи томондан, ишбилармон доираларнинг ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор эканидан далолатдир.



Дерья СОЙСАЛ,

Экология ва атроф-муҳит бўйича мустақил эксперт, Марказий Осие тарихи бўйича мутахассис (Бельгия):

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида кенг кўламли ҳамкорлик фаоллашгани кузатиляпти. Олий даражада мулоқотлар олиб борилмоқда. Савдо-иқтисодий, инвестициявий, туризм ва маданий соҳаларда икки томонлама алоқалар ҳар жиҳатдан чуқурлашяпти. Гуманитар ва таълим йўналишларида амалга ошири-

лаётган лойиҳалар кўлами тобора кенгаймоқда.

Савдо-иқтисодий соҳа ҳамкорлигининг устувор йўналиши бўлиб, икки давлат кун тартибидан ўрин олган. Ҳозирги қўшма савдо кўмитаси фаолиятини алоҳида таъкидлаш керак. 2023 йил якуни бўйича мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш

ҳажми икки баравардан зиёд ошгани ҳам жуда муҳим.

Савдо масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссия ва Ўзбекистон — Малайзия саноат зонасини ташкил этиш тўғрисида эришилган келишув Малайзия Ўзбекистонга Марказий Осие минтақасидаги иқтисодий ва инвестициявий марказ сифатида қарашини намоянэ этади.

Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи, шубҳасиз, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганидан далолат беради.

Низран НУРДИН,

Малайзия Ислон туризми маркази бош директори:

— Мамлакатларимизни тарихий ва маданий алоқалар, бағрикенглик, хилма-хиллик ва меҳмондўстлик аънаналари каби азалий ва умумбашарий ришталар боғлаб туради. Бугунги кунда туризм Ўзбекистон — Малайзия ўртасидаги ҳамкорликнинг стратегик йўналишларидан биридир.

Ўйлайманки, Бош вазири Анвар Иброҳимнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ислом туризмнинг етакчи йўналишлари сифатида илгари сурш бўйича ҳамкорлигимизга янада туртки беради.

Ўтган йили Самарқанд шаҳрида имзоланган Ўзбекистон ва Малайзия ҳукуматлари ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни амалий мазмун билан тўлдириб бўйича Ўзбекистонлик ҳамкорларимиз ва Ўзбекистон элчихонаси билан муҳокама қилдик ҳамда аниқ вазифаларни белгилаб олдик. Яқин истиқболдаги режаларимиздан туризм соҳаси вакилларининг ўзаро ташрифлари, қўшма тренинглар, шунингдек, мусулмонлар учун қулай туризм стандартларини жорий этиш бўйича илгор тажриба алмашиш ўрин олган.

“Uzbekistan Airways” АЖ ва “Batik Air Malaysia” авиакомпанияси томонидан



йўлга қўйилган Тошкент ва Куала-Лумпур ўртасидаги тўғридан тўғри ҳаво қатновлари икки мамлакатда туризмни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг маданий мероси, ноёб меъморчилиги ва жадал ривожланаётган туризм инфратузилмаси малайзиялик сайёҳларни янада кўпроқ жалб этади. Шу билан бирга, парвозлар қатновини ошириш Ўзбекистонлик дўстларимизга Малайзиянинг ранг-баранглиги, меҳмондўстлиги ва гўзаллигини ҳис қилиши учун имкониятлар очади.

Е ТИАНЛЭ,

Хитой замонавий халқаро муносабатлар академиясининг катта илмий ходими:



— Расмий ташриф Тошкент дунёнинг барча мамлакатлари ва минтақалари билан фаол манфаатли муносабатлар ўрнатиш борасидаги сайё-ҳаракатларининг исботи бўлди.

16 йил ичида биринчи марта Малайзия раҳбариятининг Ўзбекистонга ташрифи давомида муҳокама этилган барча масалалар ва ўтказилган икки томонлама тадбирлар жуда самарали кечди.

Музокаралар якунида икки давлат етакчилари кўп қиррали ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича Қўшма баёнотни қабул қилдилар. Ўзбекистон — Малайзия ҳамкорлиги жадал ривожланишини

қафолатлайдиган кенг кўламли масалалар бўйича консенсусга эришилди.

Шу маънода, икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш бўйича амалий қадамлар қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Самарқандда Ўзбекистон — Малайзия бизнес-форумининг ўтказилиши, бир томондан, давлат раҳбарларининг икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни яхшилашга қаратилган жиддий ниятлари кўрсаткичи бўлса, иккинчи томондан, ишбилармон доираларнинг ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор эканидан далолатдир.

Форум якунларига тўхтайдиган бўлсак, етакчи компаниялар ўртасида инвестициявий шерикликни кенгайтириш, инновациялар, саноат, “яшил” энергетика, нефть-кимё, электротехника ва фармацевтика соҳаларида ҳамкорлик қилиш борасида эришилган келишувлар ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Ушбу жабҳаларда эришилган келишувлар ўзаро муносабатларни мутлақо янги босқичга олиб чиқиши ҳамда Ўзбекистон ва Малайзиянинг ўз минтақаларидаги ролини сезиларли даражада ошириши мумкин.

“Дунё” АА

Халқаро алоқалар

АЗАЛИЙ РИШТАЛАРДАН ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК САРИ

Сарваржон ҒАҒУРОВ,

Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи, сиёсий фанлар доктори, профессор

Юртимиз учун Малайзиянинг бой тарихи, миллий аънаналари, туризм, банк-молия тизими, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва экспорт саноати яхши тажриба бўла олади. Мамлакат замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожини, дастурлаш йўналишлари тез тараққий этаётган хаб тизими билан жаҳонда етакчилардан. Шу жиҳатдан бугун Ўзбекистонда ахборот технологиялари тадрижий ривожидан Малайзия тажрибаси етакчи ўрин тутаяди.

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон — Малайзия муносабатлари мустақилликнинг илк йилларидан йўлга қўйилган. Айни пайтга қадар бир неча муҳим босқични босиб ўтди. Ўзаро муносабатлар йиллар давомида шаклланиб, сайқалланиб келди. Бугунга келиб, икки давлат алоқалари навбатдаги босқичга кўтарилди.

Президентимиз таклифига биноан Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг мамлакатимизга ташрифи ана шу муносабатларнинг янги руҳда, янада мустаҳкам пойдеворга таянган принциплар асосида давом эттирилишига замин яратаяди. Ушбу ташриф икки давлат муносабатларининг азалий дўстона ришталардан истиқболли ҳамкорлик ҳамда муҳим шериклик даражасига кўтарилишига туртки бўлади.

Зеро, ташриф доирасида тизимли сиёсий мулоқотларни ривожлантириш, ижтимоий, маданий, маърифий алмашинув

доираларини кенгайтириш, ўзаро савдо, инновациялар, ахборот технологиялари, энергетика, нефть-кимё саноати, ишлаб чиқариш, электротехника, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодийнинг бошқа соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича келишувларга эришилди.

Ахборот технологиялари, банк-молия, ислом банки, туризм, зиёрат туризми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилиш ушбу давлатнинг драйверларидан. Шу боис, халқаро савдо алоқаларини ривожлантириш, минтақавий ва жаҳон савдо тизимига интеграциялашувни кенгайтиришга интилаётган мамлакатимиз учун Малайзия билан муҳим шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш геостратегик аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилиши, ижтимоий ҳимоя механизми,

диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, таълим, маданият, сайёҳлик тизими ривожини, хусусан, зиёрат туризми Малайзиянинг муттасил эътиборини тортиб келган.

Малайзия аҳолисининг катта қисми мусулмонлар. Мамлакатда диний бағрикенглик принциплари қатъий амал қилинади. Ушбу юрт мусулмонлари Ўзбекистонини ислом маърифати ва маданияти маркази сифатида катта эҳтиром билан эътироф этади. Мамлакатимизнинг диний ва миллатлараро бағрикенглик тамойиллари, аҳоли манфаатлари, ижтимоий ҳимояси масалалари ушбу давлат учун ҳам фуқаролик жамияти қуриш, ижтимоий ҳимоя ишларида ислохотларни амалга оширишда тажрибавий аҳамият касб этади.

Ислон маърифати ва маданияти ривожидан уланган ҳиссаси, жаҳонга танилган алломалар юрти сифатида Ўзбекистон малайзияликларнинг алоҳида ҳурматига

сазовор. Ҳар йили бу давлатнинг минглаб вакили юртимиздаги қадимий шаҳарлар, ислом маърифати ва маданияти марказлари, муқаддас тарихий масканларни зиёрат қилиш учун келади. Айниқса, охириги йилларда ҳаж ва умра сафарига кетаётган малайзияликларнинг Ўзбекистондаги муқаддас масканларни зиёрат қилиш аънанаси йўлга қўйилди.

Юртимиз учун Малайзиянинг бой тарихи, миллий аънаналари, туризм, банк-молия тизими, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва экспорт саноати яхши тажриба бўла олади. Мамлакат замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожини, дастурлаш йўналишлари тез тараққий этаётган хаб тизими билан жаҳонда етакчилардан. Шу жиҳатдан бугун Ўзбекистонда ахборот технологиялари тадрижий ривожидан Малайзия тажрибаси етакчи ўрин тутаяди.

Миллий ҳунармандлигимизнинг Малайзия меъморлиги билан узвий боғлиқлиги бор. Юртимиз ҳунармандлари, жумладан, ёғоч ўймакорлари, наққошлар Малайзиядаги бир неча масжид, маданият масканлари, музейлар қурилишида фаол иштирок этган. Уларнинг ижод намуналари бугун ушбу давлатдаги масжид ва музейларда ўз ўрнини топган. Аҳоли жуда қадрлайди.

Миллий, экзотик таомларига эга бўлса-да, ўзбек таомларига қизиқиш Малайзиянинг йирик шаҳарларида бир неча ўзбек рестороанларининг мўваффақиятли фаолият юритишига сабаб бўлди. Турли мавсумларда ўтказиладиган миллий ва хориж таомлари халқаро кўргазма ҳамда танловларида ўзбек ошпазлари тайёрлаган таомлар алоҳида эътирофга сазовор бўлиб келмоқда.

Малайзия олий таълим муассасалари жаҳон стандарти даражасида ўқитиш сифати билан дунёга танилган. Уларда бугун кўплаб ўзбек йигит-қизлари таҳсил олмақда. Бу ердаги ўқитишнинг ўзига хос жиҳати шундаки, хорижий тилларда билим олиш билан бирга халқаро эътироф этиладиган дипломга эга бўлиш, касбий маҳоратини ошириш ҳамда мамлакатдаги машҳур компанияларда амалиёт ўташ имконияти мавжуд.

Ўз навбатида, юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасида таълим-тарбияга қаратиладиган эътибор халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Бу соҳадаги ислохотлар хорижий давлатларнинг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Ёшлар масаласи билан боғлиқ жиҳатлар, бу бордаги ўзбек тажрибаси Малайзия учун ҳам долзарб.

Малайзия йирик саноатлашган мамлакат сифатида минтақада иқтисодий тараққиётнинг локомотивларидан. Малакка бўғози орқали жаҳон сув транспорти йўлига чиқиш имконияти унинг жаҳон савдо тизимларида бевосита улаиш салоҳиятини беради. Бундан ташқари, бу давлат жаҳон молия марказларидан саналган Сингапур, кўп сонли аҳолига эга Индонезия, йирик сайёҳлик марказларидан ҳисобланган Таиланд, улкан нефть захираларига эга Бруней султони билан чегарадош. Ушбу ҳолат Малайзиянинг минтақадаги муҳим геостратегик мақени белгилайди. Шу жиҳатдан Малайзия билан савдо алоқалари ўрнатилиши ва мустаҳкамланиши ўртадаги узоқ масофага қарамай, Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга.

Халқаро муносабатлардаги барқарор мавқеи, бағрикенглик ва очиклик сиё-

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

УЙҒОНИШ ҚҮНҒИРОҒИ

САЙХУНОБОД ТАЖРИБАСИ ЎЗИГА ТЎҒ ҚАТЛАМ САФИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН

SAYXUNOBOD TUMANI



Бугун иш қидириб хорижга кетаётганлар номаълум жойга, синалмаган одамлар қўлига тасодифан бориб қолмайди. Улар ўша давлат тилини ўрганиб, кадр-қиммати баланд ишларга жалб этилади. Муҳими, бу жараёнинг ҳуқуқий кафолатлангани инсон қадрини улуглаш, истақларига мос имконият яратиб бериш йўлидаги саъй-ҳаракатдир.



муваффақиятли ўтиб, сертификат олса, харажати қопланади. Қолаверса, хорижда меҳнат қилиш учун “ишчи визаси”ни расмийлаштириш, йўл чиптаси сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар ҳам қопланади. Бу ишлар хорижда меҳнат фаолиятини амалга

Билимдон, касб-ҳунарли кишилар ҳар жойда азиз

Ҳаётда ўз ўрнини топиш инсоннинг билими ва касбини қанчалик пухта эгаллагани билан боғлиқ. Меҳнатига юқори ҳақ олишини ҳам айнан шу жиҳатларга боғлаш мумкин. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда хорижда юборилаётган меҳнат мигрантларининг билимини ошириш, муайян касбга ўқитишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу орқали хорижда қадрланадиган касб эгалари учун иш топиб бериш чоралари кўриляпти. Масалан, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги айни пайтда 16 мамлакат, жумладан, Германия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония каби иқтисодий ривожланган 10 давлатда 160 мингга яқин бўш иш ўрни мавжудлигини аниқлади.

Бундай изланиш ва ҳамкорлик муайян соҳа ва саноқли ҳудудларга боғлиқ қолмасликни таъминлайди. Ҳозирги глобал ўзгариш ва тараққиёт даврида бу ниҳоятда муҳим жиҳат. Кўп векторли сиёсат юритилиши, барча давлатлар билан дўстона муносабат ўрнатилгани ана шундай муҳим палларда қўл келди. Шу ўринда савол туғилади: хўш, бундай кенг қўламли ҳамкорлик бизга қандай наф бермоқда?

— Юртдошларимизни инсон меҳнати қадрланадиган, шунга яраша ҳақ тўланадиган мамлакатларга юборишни мақсад қилганмиз, — дейди Азим Аҳмадов. — Жумладан, йил бошидан апрелга бўлган даврда 31 минг 410 фуқаронинг хорижий давлатларда ташкилий ва манзилли тартибда ишга жойлашишига кўмаклашилди. Айни пайтда меҳнат мигрантлари фаолиятининг мониторингини ҳам юритилмоқда. Мақсад — меҳнат мигрантларининг вазиятини билиш, иш бериш ва меҳнат шартномасини шартларини қай даражада бажараётгани, қолаверса, юртдошларимизнинг меҳнат қилиш ва яшаш шарт-шароитларини ўрганиш. Шу асосда зарурат бўлганда уларга ёрдам берилди. Ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликлар ҳамкор идоралар билан биргаликда бартараф этилади.

Йил бошидан буён агентлик ваколатхона (вакиллик)лари, консуллик муассасалари 251 корхона ва ташкилотда ишлаган 17,1 мингдан ортиқ меҳнат мигранти фаолиятини мониторинг қилди. Натияжада 98 мингдан зиёд меҳнат мигрантига ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатилди.

Хорижда ишлаш истагидаги фуқароларни касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитиш учун етарли шарт-шароит яратилмоқда. Жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги 32 та мономарказ ва филиаллари, касб-ҳунарга ўқитиладиган 53 та марказ, қурилиш соҳаси бўйича малакали мутахассислар тайёрлайдиган 13 та марказ ҳамда бошқа турли вазирлик ва идоралар, нодавлат таълим муассасалари, шунингдек, 9 та хорижий ҳамкор билан бирга очилган курслар имкониятидан самарали фойдаланилмоқда.

Бугун иш қидириб хорижга кетаётганлар номаълум жойга, синалмаган одамлар қўлига ўқитиш учун етарли шарт-шароит яратилмоқда. Мақсад — меҳнат мигрантларининг вазиятини билиш, иш бериш ва меҳнат шартномасини шартларини қай даражада бажараётгани, қолаверса, юртдошларимизнинг меҳнат қилиш ва яшаш шарт-шароитларини ўрганиш. Шу асосда зарурат бўлганда уларга ёрдам берилди. Ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликлар ҳамкор идоралар билан биргаликда бартараф этилади.



Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиш 1-бетда

Аммо хонадон бекаси табиатдан меҳнатсевар. Узоқ йиллардан буён доя бўлиб ишлайди. Ишдан келгач, томорқага қарайди, экин экади, эгат оралаб меҳнат қилади. Шунга қарамай, камтарлик билан: “Мендан ҳам яхши ишлайдиганлар кўп”, дейди. “Касб касаллиги” сабаб бундай жавоблардан қаноатланмайми. Онахоннинг дил қўлига йўл излайми. Ниҳоят Рисолат она сирини очади:

— Бу гапларни ўзингиз учун айтганман, тагин ёзиб юрманг. Бошқалар ахволдан нолибди, демасин. Тўнғич ўғлимнинг боласи университетда ўқийди. Контрактига катта пул тўлаш керак. Жаҳонгир набирам ҳализамон мактабни битиради. Ҳозир репетиторга боради. Бунга ҳам пул керак. Шуларга ёрдам бўлсин-да, — дейди у. — Бундан ташқари, меҳнат қилишининг соғлиққа ҳам фойдаси катта. Шуларни баҳона қилиб ишлайман. Набираларимни ҳам меҳнатга ўргатаман. Икки йилдан бери Жаҳонгирим кўён боқади. Кўёнларидан синфдошларига ҳам совға қилди. Укиси товуқларга қарайди. Бугун томорқадан пул топишни ўрганса, эртага қийналмайди. Томорқа — қўшимча даромад, одам қандай касбини эгалласа ҳам ҳовлисидан унумли фойдаланишни билиши керак.

Сайхунобод тажрибасидан қўзланган мақсад ҳам айнан шундай — юртдошларимизга ўз имкониятидан тўғри ва тўлиқ фойдаланишни ўргатиш. Зарурат бўлса, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдир.

Бу тажриба қисқа вақтда иш бера бошлади. Масалан, апрелнинг ўзида 365 минг кишининг иш билан бандлиги таъминланди, тадбиркорликка жалб қилинди. Қолаверса, банклар мижозларининг муаммосини ҳал қилгани эвазига 115 минг одам ишли бўлди. Маҳаллаларда 70 мингта микролойиха рўёбга чиқди, 465 минг гектар томорқага экин экилди. Мазкур рақамлар ортда инсонлар тақдирини, эртанги кунга мустақам ишончи турибди. Энди бу кўламини янада кенгайтириш керак. Сабаби, аҳолининг ўрта қатлами, ўзига тўғ оилалар йил сайин кўпайиб бориши шарт. Хўш, нега айнан ўрта қатлам?

Олтин ўрталикдаги одамлар

Дунёнинг табиий мувозанати аҳоли қатламини доим уч тоифага бўлган. Биринчиси — энг юқори қатлам — миллионерлар.



Улар йирик ишлаб чиқариш эгалари, иш берувчилар. Иккинчиси — ўрта қатлам. Ўзига тўғ, даромади кундалик эҳтиёждан ортадиган ишчи-ходимлардан тортиб, кичик тадбиркорлик эгаларигача. Қуйи қатлам эса камбағаллардир.

Аҳоли орасида қайси қатламнинг улуши ортиб боришига қараб, мамлакат тараққиёти, иқтисодий ўсиши ўзгариб боради. Юқори қатлам — бойлар, нари борса, аҳоли умумий миқдорининг 10-15 фоизини ташкил қилиши мумкин. Шу боис, уларга ҳал қилувчи куч сифатида қараш унчалик тўғри эмас. Чунки уларнинг ишини юридадиганлар ишчи-ходимлар — ўрта қатламдир.

Камбағаллар эса ҳар қандай жамиятнинг оғрикли нуктаси. Улар ҳатто фарзандларининг таълими учун ҳам етарли имконият яратиб беролмайди. Оқибатда илмсиз, касб-ҳунарсиз қатлам кўпайиб бораверади. Бундай жамиятда эса энг юқори қатлам — йирик ишлаб чиқарувчилар ҳам қийинчиликка дуч келади. Чунки улар доим малакали кадрларга эҳтиёж сезади. Ишлаб чиқарувчи яхши мутахассисдан ёлчима, ички бозор сустлашади. Сабаби энг кўп махсулот сотиб оладиганлар ҳам ўрта қатламга мансуб бўлади.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар замирида ана шу ҳаётини ҳақиқат мужассам. Мазкур масала бугун ижобий ҳал қилинмаса, эртага фарзандларимиз қийналади. Шунинг учун оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар, хусусан, Сайхунобод тажрибаси бугунги кунимизнинг муҳим вазифасидир.

Ҳозир бор имконият ишга солиниб, ижтимоий кўмаклашишга катта эътибор берилляпти. Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани мустақамлаб қўйилди. Яъни аҳолини камбағалликдан қутқариш учун жиловни маҳкам торганмиз. Бу қувонарли, албатта. Аммо вақт ўтиши билан бу жиловни бир оз бўш қўйишга мажбур бўламиз. Тараққиётнинг ўзгармас қонуниятлари шунга мажбур қилади. Чунки камбағалликни фақат бошқарув кучи билан йўқотиб бўлмайди. Ривожланган мамлакатлар тарихи, узоқ ўтмиш сабоқларидан хабардор одамлар бу фикрга қўшилишига ишонамиз.

Шу боис, бугун жамиятда курашчанлик руҳи кучайиши керак. Негаки камбағаллик барҳам топиши учун аҳолига ишонч ва имкон бериш зарур. Янги Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали ишонч ва имконият яратилмоқда. Энди бундан оқилона фойдаланишимиз шарт. Ҳар биримиз Рисолат она каби фарзандларимиз илмли бўлишига шартин яратиш билан бирга, қўшимча даромад топишни ўргатишимиз керак. Шунда аҳолининг олтин ўрталикдаги қатлами кўпаяди. Зеро, бу қатлам дунё араландан буён жамият ҳаётини ҳал қиладиган асосий куч бўлиб келляпти. Бу қатлам малакали кадр сифатида иқтисодийнинг барча жаҳасида бирдек фаолият юритади. Айни пайтда улар бойиб, юқори қатламнинг кўпайишига хисса қўшади. Йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар сафи кенгайди.

Юқорида 365 минг кишининг бандлиги таъминланди, тадбиркорликка жалб қилингани айтидик. Бу апрель ойидаги кўрсаткич. Демак, бир ойда шунча фуқаро олтин ўрталикдаги ўрнини мустақамлади. Бунда, албатта, уларга билдирилган ишонч, давлат яратган имкониятнинг ўрни катта. “Маҳалла еттилиги” ташкил этилиб, жойлардаги масала

лар тезкор ечила бошланди. Табиатимиздаги меҳнаткашлик “қоди” Сайхунобод тажрибаси орқали ишга туширилмоқда. Масалан, ҳар бир маҳаллага иқтисодий комплекслар раҳбарлари бириктирилди. Улар камбағал оилалар билан манзилли ишлаяпти. Мақсад — юртдошларимиз даромадини оширишга кўмак бериш. Шунга яраша тизим ҳам яратилди. Паст фонзли кредитлар, субсидия ва имтиёзлар берилмоқда. Агротранспорт мутахассислари кўмагида аҳоли томорқаларида сердаромад экинлар экиляпти. Бунинг замирида халқ фаровонлигини таъминлаш орқали мамлакат тараққиётига эришишдаги эзгу ният бор. Унинг тўла рўёбга чиқишида эса аҳоли билан бевосита ишлайдиган кўйи бўғинидаги масъулларнинг ҳиссаси катта.



“Маҳалла еттилиги”га кенг имконият берилаётгани бежиз эмас. Бу масъулиятини ҳар бир мутасадди тўла англаб етиши, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам сохта рақамлар билан алдамаслиги керак. Зеро, бугунги саъй-ҳаракатларимиз ижтимоий мақсимиз, иқтисодий имкониятнинг барча жаҳасида бирдек фаолият юритади. Айни пайтда улар бойиб, юқори қатламнинг кўпайишига хисса қўшади. Йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар сафи кенгайди.

Меҳнат муҳожирини кундалиги: соғинч, оғриқ ва ислоҳотлар

Маълумотларга қўра, 2024 йил январь-март ойларида 58 минг, апрелда эса 57 минг юртдошимиз меҳнат миграциясидан қайтган. Улар орасида сайхунободлик Азамат Арипов ҳам бор. Давлатимиз раҳбари Сайхунобод тажрибасини илгари сургач, у хориждан қайтиб келди. Азамат каби йигитлар бугунги ислоҳотларга ишониб қайтиди. Энди бу ишонччи оқлаш учун “маҳалла еттилиги”, жойлардаги мутасаддилар кўрсатмаларини сўзсиз бажариши керак.

Бир муддат аввал Азамат билан сўхбатлашган, отаси Турсунбой Арипов ҳақида мақола ёзган эдим. Ушанда Азамат гап орасида: “Бўлди, ака, қайтиб иш учун чет элга бормайман, шунча сангиганим етади”, деганди. Бу сўзларни айтиш қанчалик оғриқли эканини ҳи этгандим. Чунки хорижда ишлаш, уйдан, оиладан узоқда бўлиш қандайлигини яхши биламан.

учун атайин ўрганган. Шу боис, бу сўзлар отаюна оғир ботади.

Шундан бўлса керак, меҳнат мигрантлари ҳақидаги аниқликларга жиддий эътибор бераман. Бугун хорижда ишлайётган юртдошларимизга зарур вақтда давлат ижтимоий-иқтисодий ёрдам бераётганидан қувонаман. Ўзга юртда ўзининг бошқалар каби тенг тутиши, муаммо пайдо бўлса, сени қўлайидиган инсонлар борлигини ҳис этиши — жуда катта бахт.

Яна бир муҳим жиҳатни унутмаслик керак. Ички имкониятлар тўла шили солинса ҳам хориждан иш қидирадиганлар топилади. Негаки айримлар миллион йиллар аввал ҳам ўз ўрнини у еки бу давлатдан ахтарган. Бугун миграция халқаро тенденцияга айланди. Шундай вазиятда ҳар бир мамлакат ўз фуқаролари учун хавфсиз ва ишончли миграцияни ташкил этиб бериши зарурати туғилади. Бу борада ҳам кейинги йилларда жуда кўп ўзгариш бўлди.

Жумладан, жорий йил 4 апрелда Президентимизнинг “Меҳнат миграцияси жараёнларини такомиллаштириш ҳамда хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахсларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Шу ўринда мазкур фармонга биноан қандай ишлар қилинаётгани, соҳадаги аниқликлар ҳақида мутахассис фикри билан танишасан.

— Фармонда бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, “Хoғiда ish” меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтган ва ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларга моддий ёрдам бериш назарда тутилган. Яъни улар хорижий тиллар ёки касб бўйича малака имтиҳонидан



ШАРҲ

ТЎҚИМАЧИЛИК ХАБИ

ХАЛҚАРО ДАРАЖАДА ТАН ОЛИНГАН КАМИДА 10 ТА МАҲАЛЛИЙ БРЕНД ЯРАТИЛАДИ



Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Кейинги йилларда тўқимачилик соҳаси ҳамда унинг хомашё манбаи бўлган пахта етиштиришда туб янгиланишлар юз берди. Хусусан, пахта етиштириш бўйича давлат буюртмасидан бутунлай воз кечилди, уни етиштириш ва йиғиб-териш олиш юз фоз кластерлар томонидан амалга оширилишига эришилди. Энг муҳими, пахта етиштириш, йиғиб-теришга мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари, олий ўқув юртлири талабалари, шифохоналар ва бошқа давлат ташкилотларини мажбуран жалб қилиш чекланди, кластер ва фермер хўжаликлари ўртасида бозор иқтисодиёти принципларига кўра келишувлар асосида ишлаш йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз дунёда сифатли пахта етиштирувчи санокли давлатлардан бири. Табиийки, уни чуқур қайта ишлаш орқали тикув-трикотаж саноатини замон талаблари асосида ривожлантириш ва экспорт кўламини кескин ошириш имконияти юқори. Айниқса, соҳага қаратилган эътибор, тадбиркорларга яратилаётган имтиёз ва эркинликлар соҳа ривожига кенг йўл очаётгани билан аҳамиятлидир.

чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлар учун янги имкониятлар эшигини очмоқда.

— Мазкур ҳужжатга асосан, газлама, трикотаж мато ишлаб чиқариш ва бўяш ҳажмини ошириш учун инфратузилмавий ва молиявий шарт-шароитлар яратиш орқали ип-калавани қайта ишлаш даражаси 2027 йил якунигача босқичма-босқич 100 фозга олиб чиқилади, — дейди Савдо-саноат палатаси бошқарма бошлиғи Сарвар Ниёзов. — Хусусан, илк босқичда Андижон ва Наманган вилоятларидаги тўқимачилик соҳасига ихтисослашган кичик саноат зоналари ҳамда Тошкент вилоятидаги индустриал технопаркни тўлиқ инфратузилма билан таъминлаш, шу жумладан, сув тозалаш иншоотларини қуриш ишлари 2024 йил якунигача қадар тугалланади. Газлама, трикотаж мато ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва бўяш учун зарур бино ва иншоотларни тадбиркорларнинг талаблари ва лойиҳалари бўйича қуриб, тайёр ҳолатда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан ёки ижара асосида бериш имконияти яратилади.



Фармон билан тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янги сифат босқичига олиб чиқишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, 2026 йил 1 январгача тўқимачилик саноат зоналари дирекциялари ва уларда ташкил этиладиган корхоналар молмулк, ер ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан озод этилади. Республикани тўқимачилик хабига айлантириш ва камиди халқаро даражада тан олинган 10 та маҳаллий брендини яратиш устидаги ишлар манзилли ташкил этилади.

Тўқимачилик маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш учун қўлай молиявий шарт-шароитлар яратиш мақсадида тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати лойиҳалари учун тижорат банкларида очилган 12 миллион долларлик кредит линиялари ҳамда ажратилиши назарда тутилган 100 миллион доллар миқдоридagi маблағ ҳукумат комиссияси қарорига асосан, тўқимачилик саноат зоналари дирекциялари 10 йил муддатга ажратилади. Бунда ушбу маблағлар 3 йиллик имтиёзли давр билан, йиллик 4 фоз ва қолган давр учун йиллик 5 фоз ставкада тадбиркорлар талаблари асосида ишлаб чиқариш бинолари, шунингдек, сув тозалаш иншоотларини қуриш мақсадида берилиши белгиланган.

ривожлантириш компанияси” АЖ томонидан компенсация қилиб берилади.

Ҳужжатда тақдим этилаётган имкониятлардан яна бири шуки, 2027 йил 1 январга қадар тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ва республикада ишлаб чиқарилмайдиган, импорт қилинадиган хомашё ва бошқа материаллар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар 2027 йил 1 январга қадар божхона божидан озод қилинади.

— Бизни энг кўп қувонтиргани ҳужжатда брендлар билан ишлашнинг яхлит тизимини йўлга қўйиш орқали Европа давлатларида

субсидия каби имтиёзлар тўқимачилик ва трикотаж корхоналарида инновация ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишни рағбатлантиради.

— Ҳужжат талаблари асосида Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтган ҳудудда хизмат кўрсатиш объектларини қуришга қўлай бўлган 30 гектар ерда маҳаллий енгил саноат маҳсулотлари ҳамда зарур импорт хомашёсининг улгуржи бозори ва маркази ташкил этилади, — дейди “Ўзтўқимачилик-саноат” уюшмаси раиси ўринбосари Муҳаммадҷон Жуманиёзов. — Хорижий фуқаролар Ўзбекистон ҳудудидаги чакана савдо билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларидан товарларни сотиб олганда, тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш — “tax free” тизими янада кенгайтирилади.

Андижон, Бухоро, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати соҳасида дизайнер, маркетинг ва конструкторлар марказлари ва синов лабораторияларини ташкил этиш борасида қатор ишлар қилинади. Хусусан, мода ва дизайн соҳалари ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш орқали миллий брендларни яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда марказларга камиди 10 нафардан юқори малакали хорижий мутахассис жалб қилиш режалаштирилмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорлар рейтинг жорий қилинганига кўп вақт бўлмади. Лекин бугун кўплаб тадбиркорлар рейтингда юқорилик ўринларда бўлишга ҳаракат қилмоқда. Мазкур ҳужжат ҳам рейтингни яхши корхоналар учун қатор имтиёзларни назарда тутади.

Масалан, шу йил 1 майдан 2026 йил 1 майга қадар “А” ва ундан юқори тоифадаги тўқимачилик ва тикув-трикотаж йўналишидаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятида солиқ текширувлари ўтказилмайди, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш бир кун муддатда текширувларсиз амалга оширилади.

Бугун мамлакатимизда 100 фоз экспортга ишлаётган корхоналар кўп. Сифат яхши ва нарх устуңлиги борки, маҳсулот хориж бозорларига кириб бормоқда. Аслида, бу маҳсулотларга ички бозорда ҳам талаб юқори. Шу боис, фармонда Тошкент шаҳрида ва босқичма-босқич ҳудудлар марказларидаги йирик савдо комплексларида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” бренди остида миллий маҳсулотлар дўконларини ташкил қилиш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, маҳаллий трикотаж матоларини сотиш ва қайта ишлаш учун Бангладеш, Миср, Марокаш ва Вьетнамнинг эркин иқтисодий зоналарида савдо уйлари очилиб, оморлар ижарига олинади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур ҳужжат тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати рақобатбардорлигини ошириш, пировавда соҳанинг инвестицион жозибадорлигини ва экспорт салоҳиятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Агротармоқ

САНОАТЛАШАЁТГАН ҚИШЛОҚ ДОВРУҒИ

ДУНЁ БОЗОРИНИ ЗАБТ ЭТАЁТГАН ИШБИЛАРМОНЛАР

Бағдод туманидаги “Чекхитой” маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган мавсумда умумий қиймати 800 минг АҚШ доллари қийматида тенг мочалка саноат усулида қайта ишланиб, экспорт қилинди. Жорий мавсумда бу қийматни бир миллион долларга етказиш кўзда тутилган.

Чекка қишлоқнинг харидорғир маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот сифатида истеъмол бозорига олиб кириш борасидаги тажрибаси маҳаллаларда дувдуд гап бўлмоқда. Ҳалол меҳнати орқидан фарзандини ўқитаётган, тўй қилаётган, замонавий уй-жой қуриб, янги машина олаётган, тўкин ва фаровон яшаётган миришкорлар фаолияти кўпга намуна.

Қишлоқнинг деҳқончилик маданиятига бу ноёб ва фойдали экан тури кириб келганига ярим асрдан ошди. Айтишларича, шу ерда яшаган йўлдошлари ота Кавказда бир грузин билан танишиб қолади ва ўша ердан илк бор мочалка уруғини олиб келиб, томорқасида экиб, парваришлайди. Етиштирилган ҳосилни жомадонга жойлаб, Кавказга олиб бориб сотади. Бир оила ҳаёт тарзида бошланган бу ишлар собиқ иттифоқ даврида хуфиёна қилинган, албатта.

ўзгарди. Шу кунга қадар фақат бирламчи хомашё вазифасини ўтаган маҳсулотни саноат усулида қайта ишлаб, тайёрлаш амалиётини йўлга қўйдик. Айни кунларда Туркия, Франция, АҚШга табиий тоза маҳсулот етказиб бериш бўйича музокара олиб бораёмиз.

Оилавий корхона ташаббуси билан Москвада савдо уйи ташкил этилди. Бу мочалка етиштириш, тайёр маҳсулотни пешма-пеш истеъмол бозорига олиб кириш, буюртма ва мижозлар сафини кенгайтириш имкониятини бермоқда. Корхонада 20 га доимий, 25 га мавсумий иш ўрни яратилди.

— Ишсизлигим учун “Аёллар дафтари”га киритилганман, — дейди Замрархон Ниёзова. — Имтиёз асосида менга 15 сотих экин майдони ажратиб берилган. Ерга мочалка, сабзавот экиб, яхшигина даромад оляёмиз. Бир дон мочалканинг улгуржи баҳоси 8-9 минг сўм. Бу бир мавсумнинг ўзида 20 миллион сўмдан ортқ даромад олиш имконини бермоқда. Бундан ташқари, касаначилик асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, ҳақ оламиз.

Аваллари ҳам томорқаларда турли экинлар парваришлаб келинган. Лекин ҳамма иш қўл меҳнатига асослангани боис, катта ҳажмда маҳсулот тайёрлаш имконияти йўқ эди. Бугунга келиб, барча иш жараёни автоматлаштирилди.

— Мочалка устки қатламини тозалаш учун илгари сув тўла ҳовузда ҳафталаб сақлашга



тўғри келган, — дейди “Яйра” бренди остида маҳсулот ишлаб чиқараётган Ҳаётжон Ғозиев. — Бу жуда катта меҳнат, ортқча вақт ва маблағ талаб этган. Энди бу жараён учун 3-4 соат кифоя. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами ошди, сифати яхшиланди.

“Маҳалла еттичилиги” қишлоққа саноат олиб кириш, тадбиркорлик ташаббусларини ривожлантириш, имкониятларни кенгайтириш орқали фуқароларнинг ўзини ва бошқаларни банд қилишига эришиш, маблағдан тўғри фойдаланишга ўргатиш ишларини тизимли бажармоқда. Шу кунга қадар “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган 135 фуқарога, шунингдек, меҳнат мигрантларига 15 сотихдан экин майдони ажратилиб, ўзини ўзи банд қилишига эришилди. Бу каби мисоллар кўп. Энг муҳими, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш,

дастурхонлар тўқинлигини таъминлашга қаратилган ишлаб чиқаришдаги ҳар бир оилда буй кўрсатмоқда.

— Мен ва турмуш ўртоғим ишсизлигимиз учун ижтимоий дафтарларга киритилганмиз, — дейди Обиджон Комилов. — Бизга 15 сотих ер ўн йил муддатга берилган. Бу ерга мочалка экиб, даромад оляёмиз. Сабаби, бу маҳсулотни қайта ишлаш бизда яхши ривожланган, ўзиям харидорғир. Мавсумда 3 мингтадан ортқ маҳсулот йиғиштириб оламиз. Экин оралиғида сабзавот етиштиряёмиз. Бу ҳам қўшимча даромад топиш имконини беради.

Маҳаллада мочалка ва супурги етиштириш ҳамда қайта ишлаш борасидаги ишлар кун сайин кенгаймоқда. Шу кунга қадар бу йўналишда 3 та кооперация ташкил этилди. Улар ташаббуси билан аҳоли ва фермерларга сархил уруғ

етказиб бериш, етиштирилган хомашёни дала-нинг ўзидан сотиб олиш тизими йўлга қўйилган. Айни кунда маҳалла ҳудудидаги 40 гектар экин майдонида мочалка, буюдоддан бўшган 4 минг гектардан ортқ ерда кооперация асосида супурги етиштириляпти.

— Маҳалламиз саноатлашган, десам муболага бўлмайди, — дейди МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Нурматжон Ғозиев. — Энди фақат хомашё эмас, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ташаббуси қулоч ёлмоқда. Масалан, биринчи чоракнинг ўзида умумий қиймати 3 миллиард сўмдан ортқ тайёр супурги экспорт қилинди. Ташқи бозорга супурги етказиб беришда Молдовани ортда қолдирдик. Ўтган йилнинг ўзида 600 минг АҚШ доллари қийматида супурги экспорт қилинди. Саноат йўналишида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган ташаббускорларга умумий қиймати 300 миллион сўмлик имтиёзли кредит берилди.

Янги ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятини йўлга қўйиш учун маҳалладаги бўш майдонда енгил конструкцияли шохобчалар очини борасида ишланяпти. “Андижон — Ўш” катта автомобиль йўли бўйида асосат, хизмат кўрсатиш соҳасига доир 90 та инвестицбонли лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу билан бир вақтнинг ўзида 200 га яқин кишининг бандлиги таъминланади.

Яқингача бу қишлоқда оддий ичимлик сув ҳам йўқ, таъмирталаб йўллар, электр таъминотидаги узилтишлар аҳолининг силласини қуритган эди. Бугунги ҳолат, шарт-шароит буткул ўзгача. Аҳолининг кундалик ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган инфратузилма тармоқлари қурилмоқда. Янги трансформатор, симёғоч ва тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. 500 дан ортқ хонадонга тоза ичимлик сув кириб борди. “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида 3,5 километр ички йўл асфальт қилинди, шағал ётқизилди. Саховатпеша кишилар кўмағида сув таъминланган 3 та оилга янги уйлар қуриб берилди.

Қишлоққа саноат олиб кириш, хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш йўлида бошланган ишлар, берилган имтиёз ва имкониятлар тўғрисида чекка қишлоққа янги ҳаёт нафаси кириб келди. Бу, ўз навбатида, аҳолини улкан орзу-мақсадлар сари ундамоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Ғалаба оғинлари

Темур КАПАДЗЕ:

“ПАРИЖ-2024” БУ — БОШЛАНИШИ

Мақсадимиз — Олимпиада ва жаҳон чемпионатларида доимий иштирок этиш

Бирлик, ҳамжихатлик, ҳамфикрлик. Ҳар қандай тараққиётнинг тамал тоши, бирламчи шарт шуллар, назаримда. Муваффақиятга эришган қайси оила, жамоа, ҳатто жамият ёки давлатларга қарамағ, бу омиллар уларнинг умумий юксалиш жиҳатлари бўлиб чиқверади.



Ҳа, ҳам фикрда, ҳам амалда бирлик бор жойда бўлиши бўлмайди. Бир бутунлик, яхлитлик эса енгилмас, буюқ ишларга қодир куч яратди. Бинобарин, “Биз бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — ватанимиз”.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: оилавий жиҳатлар-ку, кўпчиликка маълум, лекин жамият ёки давлат миқёсидаги бирлик, ҳамжихатлик ва ҳамфикрлик қандай таъминланади? Бунга, аввало, барча учун тенг шароит яратиш, адолатли бошқарув орқали эришилади. Шу боис, мамлакатимизда аҳолига муносиб иш ва турмуш шароити яратиш, коррупция, таниш-билишчилик каби жамият тараққиётига тушов бўлаётган иллатларни йўқотиш, қонунларнинг барча учун бирдек ишлангани таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Пиროвардида бутун меҳнаткаш, мард ва оила-ноб, меҳр-оқибати юртдошларимиз вақтини имкониятга, имкониятини ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдеворида айлантира олаётган халқ бўлиб келишмоқда. Бунинг биринчи на миллионлар йўлини — ўзбек футболнинг ғалабали оидилари мисолида кўриш мумкин.

Яқин кунларда қўлоғимизга энг кўп чалинган ва қўллаб юртдошларимиз билан бир қаторда дунё эътирофига сабаб бўлган воқеалардан бири Ўзбекистон олимпия терма жамоасининг Парижда ўтайдиган Олимпиадага йўлангани қўлга киритгани бўлди. Бонси, бу йўланма йиллар давомида интиқлик билан кутилган оғулни рўбга чиқариб, янги мақсадларга йўл очди. Бошланганига тобора оз мудат қолаётган Олимпиада йўлининг энг эшик қоричи туриши эса қўллаб футбол ихлоسمандлари кўнглига ҳаяжон солаётгани бор гап.

Шу боис, жамоамизнинг маъзур нуфузли турнирга тайёрларлик жараёни, ғалаба имкониятлари ҳақида Ўзбекистон олимпия терма жамоаси бош мураббийи Темур Кападзени фикрлари билан қизиқдик.

— Темур Тоҳирович, аввало, жамоанинг шу йил Парижда бўлиб ўтайдиган Олимпиадага йўллангани қўлга киритгани билан табриклаймиз. Афсуски, U-23 Осиё кубоги финалида Японияга мағлуб бўлдик. Қисқа муддатда футболчиларимиз ҳам голиблик сурури, ҳам мағлубият алданини ҳис қилди. Айни пайтда бош мураббий сифатида сизнинг, қолаверса, ёшларнинг руҳияти, катта мусобақадаги йўлларда ғалабага ишонч қандай?

— Барча Осиё давлатлари футболчиларининг ягона мақсди бор эди. Бу ҳам бўлса, Олимпиада йўлланмасини қўлга киритиш. Мақсадлар тўқнашган жойда эса фақат кучлилар ғалаба қозонади, яъни оғустига етишади. Мақсадлар ўз йўлига, аммо Ватан олдидagi бурчимизни зиммамизга олиб, биз, албатта, ғалаба қозониб қайтамыз, деган ўй ва ишонч билан Қатарга бордик.



муҳим аҳамиятга эга эди. Эътибор берган бўлсангиз, Япония жамоасига қарши яхшироқ ўйнадик. Омад ҳам қайсидир маънода юз ўғирди. Яна бир жиҳатни тан олишимиз керак: Япония жамоаси ҳам ёмон ўйин кўрсатмади.

Рухий босим масаласида жамоамизда янги муаммо йўқ. Чунки аввалбошдан йигитларнинг руҳиятини кўтариш бўйича алоҳида шугулланяёмиз. Юқорида айтганимдек, Олимпиадада ғалаба қозониш учун ҳар қандай ҳаракат қиламиз.

— Жамоамизнинг Қатардан қайтиб келганига кўп бўлди. Олимпиада йўллари бошланишига эса икки ойдан кўпроқ вақт қоляпти. Айтмоқчиманки, нуфузли турнирга қай даражада тайёрларлик кўриломоқда?

— Осиё чемпионати тугамасдан, яъни Олимпиада йўлланмасини қўлга киритишимиз билан тайёрларликни бошлаганмиз. Ҳозир ФИФА кунлари муносабати билан ўтказилган ўртоқлик учрашувларимиз бор. Бу ҳам тайёрларликда, албатта, муҳим аҳамиятга эга.

— Ҳали вақт бор. Мана шу муддатда жамоамиз жисмоний ҳолатини тиклаб олиши ва лотларда ҳамда мураббийлар, федерация билан келишилган ҳолатда ким бориши аниқ бўлади.

— Париж олимпиадаси доирасидаги биринчи ўйинимиз 24 июль кунини гуруҳ фаворити — Испанияга қарши кечади. Айтингчи, биринчи учрашувнинг кучли рақибга қарши ўттиш футболчиларимизда ортқича босим пайдо қилмайдими? Умуман, гуруҳда рақибларимиз ва Ўзбекистон олимпия терма жамоасининг кейинги босқичга чиқиш имкониятларини қандай баҳолайсиз?

— Ҳар бир мусобақада биринчи учрашув муҳим бўлади. Шу билан бирга, оғир кечади.

лотларда ҳамда мураббийлар, федерация билан келишилган ҳолатда ким бориши аниқ бўлади.

— Париж олимпиадаси доирасидаги биринчи ўйинимиз 24 июль кунини гуруҳ фаворити — Испанияга қарши кечади. Айтингчи, биринчи учрашувнинг кучли рақибга қарши ўттиш футболчиларимизда ортқича босим пайдо қилмайдими? Умуман, гуруҳда рақибларимиз ва Ўзбекистон олимпия терма жамоасининг кейинги босқичга чиқиш имкониятларини қандай баҳолайсиз?

— Ҳар бир мусобақада биринчи учрашув муҳим бўлади. Шу билан бирга, оғир кечади.

— Париж олимпиадаси доирасидаги биринчи ўйинимиз 24 июль кунини гуруҳ фаворити — Испанияга қарши кечади. Айтингчи, биринчи учрашувнинг кучли рақибга қарши ўттиш футболчиларимизда ортқича босим пайдо қилмайдими? Умуман, гуруҳда рақибларимиз ва Ўзбекистон олимпия терма жамоасининг кейинги босқичга чиқиш имкониятларини қандай баҳолайсиз?

— Ҳар бир мусобақада биринчи учрашув муҳим бўлади. Шу билан бирга, оғир кечади.

— Париж олимпиадаси доирасидаги биринчи ўйинимиз 24 июль кунини гуруҳ фаворити — Испанияга қарши кечади. Айтингчи, биринчи учрашувнинг кучли рақибга қарши ўттиш футболчиларимизда ортқича босим пайдо қилмайдими? Умуман, гуруҳда рақибларимиз ва Ўзбекистон олимпия терма жамоасининг кейинги босқичга чиқиш имкониятларини қандай баҳолайсиз?

— Ҳар бир мусобақада биринчи учрашув муҳим бўлади. Шу билан бирга, оғир кечади.

бўлгуси ўйинлар олдидан ўз кучини намойиш қилиши керак.

— Қатарда ўтган U-23 Осиё кубогида жамоамиз таркиб жиҳатдан энг қиммат экани эътироф этилди. Париж олимпиадасида ушбу таркибнинг тўлиқ иштироки ёки уни янада кучайтириш бўйича янгиликлар бўлиши мумкинми?

— Шу ўринда бир жиҳатни эътироф этиш керак: бутунги таркибимиз кучли. Нафақат Осиё, балки Европанинг етакчи клубларида ўйнаётган футболчиларимиз бор. Бу жиҳат, биринчи навбатда, ўзбек футболни, Ўзбекистон номини дунёга олиб чиқишга замин яратиши, албатта. Шу билан бир қаторда, халқимизнинг маълум маънодаги ғалабаси ҳамдир.

Тасаввур қилинг, бугун легионер бўлиб туриш давлатларда тўп сураётганларнинг аксарияти оддий оилалардан чиққан ўғлонлар. Ҳар бири ўз кучи ва мақсади билан олга оидиллашти. Давлат яратган шароит эса уларнинг мақсадига етиши учун кўприк вазифасини ўтайди.

Иккинчи масала: футбол ривожланган давлатларда тўп суриш жамоамиз йўнчиларидаги машурлик келтириш билан бирга жамоавий ўйин услубига ҳам муҳим таъсир ўтказиши. Улар таърибига орқали жамоага ўзгача руҳ бағишламоқда. Айнан жамоа Олимпиадага йўлланма олишнинг муҳим сабабларидан бири ҳам уларнинг кучли клубларда тўп суриши билан боғлиқ.

Таркиб масаласига келсак, айнан ким кетиши ёки қолиши ҳали аниқ эмас. Машгужликларда ҳамда мураббийлар, федерация билан келишилган ҳолатда ким бориши аниқ бўлади.

Испания каби кучли жамоага қарши ўйнашни ўзига яраша қийинчиликлари бор, албатта.

Биринчи навбатда, биз бу ўйинга пухта тайёрларлик кўрамыз. Ҳар бир рақибни ҳурмат қилган ҳолда бирор-бир жамоадан қўчиқидган жойимиз йўқ. Чунки бу турнирда кучли жамоа бўлмайди. Ҳаммаси ўз қўли-қўлига оғулни бу ергача етиб келади. Шу муваффақиятнинг давомилийтини исташади. Биз Испания ва бошқа жамоаларни кучли санаймиз, аммо жамоамиз ҳақида ҳам улар худди шундай ўйлаши ҳеч гап эмас.

Сабоби, биз нафақат Осиё, балки Европада ҳам футболимизни намойиш қила олдик. Биздан фақат ҳаракат қутилади. Қолганини ўйин давомида кўрамыз. Ғалаба учун майдонга тушамиз ва шунинг учун курашамиз.

— Муҳлислар футболчиларининг интервьоларини ҳам эътироф этмоқда. Бунга алоҳида тайёрларлик кўриладими ёки уларнинг руҳий тайёрларлиги билан боғлиқми?

— Халқ қаҳрамонларини ҳар доим мукамал кўришни хоҳлайди. Бугун жамоага бўйлашаётган бу ёшлар чин маънодаги қаҳрамонлардир. Улар бу ерга етиб келганича ўз устида нафақат жисмоний, балки руҳий жиҳатдан ҳам кўп ишлаган. Миллий менталитетимиз кеча ёки бугун шаклланиб қолгани йўқ. Асрий эврилишлар давомида сақланиб қолган бой қадриятларимиз ва маънавий қўлдамиз шу футболчиларда намоён бўлмоқда.

бизга яратиб берилган имкониятлар ётибди, албатта.

Энг муҳими, тизим ўзгарди. Бугунги имкониятлар келажак учун муҳим замин ҳозирламоқда. Дунё майдонларида ўйнаётган ёшлар нима учун жаҳон чемпионатида чиқолмайди?! Чикади, албатта. Бу ёшларни нима улғайтирди? Биринчи навбатда, мақсади, нияти. Уларда ҳеч ким, ҳеч қачон сўндирилмайдиган мақсад бор — ишончга йўғрилган ғалаба умиди.

Бугун бу ёшларни давлатимиз қўллаб турибди. Осиё чемпионатидан сўнг шаҳсан давлатимиз раҳбари табриклагани йигитларнинг кучига куч қўшгани шубҳасиз.

— Юқоридаги саволнинг мантиқий давоми сифатида сўрамоқчиман: юртимиздаги футбол муҳлисларининг энг катта орзуларидан бири терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатида иштироки билан боғлиқ. Мутахассис сифатида сиз бу бордаги имкониятларини қандай баҳолайсиз? Умуман, футболни янада ривожлантириш, ютуқларимиз давомилийлигини таъминлаш нималарга боғлиқ?

— Биринчи навбатда, ҳар бир мураббийнинг виждони тоза бўлиши керак. Баъзан ўзимга ҳам яқинларим, танишларим келиб, бирорта йигитни тавсия қилиб, шуни жамоанга ол, дейди. Мен “Мана майдон, ўзини кўрсатса, албатта, уни таркибга оламиз”, дейман.

Халолликда гап кўп. Жаҳонда футбол ривожланишининг асосий сабаби йўнчиларнинг жисмоний ҳолати билан бирга дунёқароши аллақачон ўзгарганида. Яъни улар пул ёки таниш-билишчилик билан мақсадга эришиб бўлмастларини яхши англайди. Улар наздида ягона йўл бор: меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат. Марра қанча узоқ олинса, ғалаба шунча кўп бўлади. Умуман тескариси ҳам бўлиши мумкин.

Жамоалар ўртасида муносив рақобатни шакллантириш керак. Бир вақтлар жамоалар ўзаро келишган ҳолатда ҳисобни белгилаган вақтлар ҳам бўлган. Бунинг оқибатида футболчи машгулотда ҳам, бошқа жараёнларда ҳам ўзини қийнамайди. Шунинг учун кўп мутахассисларимиз ўсишдан тўхтади. Кучли жамоалар ғалаба учун ўйнади, аммо ўрта ва қуйи жамоалар ривожланмади қолди.

Бугунги раҳбариятимизнинг коррупция ва келишилган ўйинларга қатъий чек қўйгани ва муайян маънода ўзбек футболнинг ривожланишига ҳаракат қилганимиз. Ҳар сафар шун камчиликлари йўққа чиқарган ҳолатда мунодиалга борамиз. Бугун етишиб чиқаётган ёш футболчиларни тўғри йўналтириш олак, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдалансак, албатта, жаҳон чемпионатида чиқамиз.

Жаҳон чемпионатида чиқиш учун футболчи сифатида ҳаракат қилганман. Ҳар сафар нимадир етишмаган. Бу сафар шун камчиликлари йўққа чиқарган ҳолатда мунодиалга борамиз. Бугун етишиб чиқаётган ёш футболчиларни тўғри йўналтириш олак, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдалансак, албатта, жаҳон чемпионатида чиқамиз.

Жаҳон чемпионатида чиқиш учун футболчи сифатида ҳаракат қилганман. Ҳар сафар нимадир етишмаган. Бу сафар шун камчиликлари йўққа чиқарган ҳолатда мунодиалга борамиз. Бугун етишиб чиқаётган ёш футболчиларни тўғри йўналтириш олак, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдалансак, албатта, жаҳон чемпионатида чиқамиз.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Сардор ТОЛЛИБОВЕВ сўхбатлашди.



ҒАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДМ
Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкilot жаовбар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Бюроғамма — 1694.
44034 нускада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаева
Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎЗА яқуни — 21:15 Топширилди — 22:30